

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 1 (11.062)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

ватандошлар!

риб келаётган янги – 2008 йил билан чин табриклайман.

шу дақиқаларда якунига етиб бораётган кунни кузатар эканмиз, йил давомида бошичириш кувончли ва ташвишли кунларни, йилда ҳаётидаги муҳим ва унутилмас воқеаларни эслашимиз табиийдир.

га гапирганда, ўтаётган йилда халқимизнинг меҳнати эвазига мамлакатимизнинг табиий ресурсларини, унинг жаҳон ҳамжамиятига ва обрў-эътиборини мустаҳкамлаш йўлида қилган ютуқ ва марраларимиз, бунёдкорлик ишлари Ватанимизнинг куч-қудратини ошириш, йилда обод этиш, халқимизнинг ҳаёт даражасини яхшилаш борасида катта қадамлар қилдик, ҳеч қандай хато бўлмади.

тасдиғини 2007 йилда республикамизда қилган маъмул ҳаёти 9,5 фоизга, саноат 12,1, қишлоқчилик 6,1 фоизга ўсгани, экспорт салоҳияти баробардан, олтин-валюта захираларимиздан зиёд кўпайгани, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларнинг реал миқдори эса 40 фоизга миқдорини кўпайтириш мумкин. Айни шу йилда, яъни нарх-наво даражаси 6,8 фоизга эътиборга сазовордир.

нинг барча соҳа ва жабҳаларини демократик ва либераллаштириш йўлида амалга оширилган ислохотларни янада чуқурлаштириш борасидаги муҳим мақсадида катта аҳамиятга эга кўпгина қонун ва қонунчилик нормалари қабул қилинди, улар бугунги кунда муваффақият билан жорий этилаётганини қайд этиш мумкин.

ийимий ҳимоя йили» деб ном олган 2007 йилдаги муҳтож бўлган инсонлар ва оилалар, қишлоқ ва ноғиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича инсонпарварлик руҳида ишлаган савобли ишларимиз бутун мамлакатда қамраб олган умуммиллий ҳаракатга айланган.

нинг халқимизнинг онгу тафаккури, маънавияти ва тобора юксалиб бораётгани, диёримизда демократик, саховат ва мурувват туйғуларини ҳукм қилганини яна бир тасдиғи деб қабул қиламиз.

нинг халқимизнинг онгу тафаккури, маънавияти ва тобора юксалиб бораётгани, диёримизда демократик, саховат ва мурувват туйғуларини ҳукм қилганини яна бир тасдиғи деб қабул қиламиз.



инсон бу ютуқларда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб яшашга ҳақлидир.

Муҳтарам дўстлар! Юртимизда кунни кеча бўлиб ўтган, ҳаммамиз учун катта сиёсий синов бўлган Президент сайлови Ўзбекистонда эркин демократик давлат, инсон манфаати ва ҳуқуқларини устун қўйдиган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида катта мактаб ва янги босқич бўлди.

Ҳеч шубҳасиз, ҳолислик, очиқлик ва ҳаққонийлик руҳида ўтган бу сайлов халқимизни янада жипслаштириб, унинг сиёсий ва ҳуқуқий билими, маданияти тобора ошириб бораётганини, эркин овоз берган ҳар қайси фуқаронинг орзу-умидларини ва келажакка ишонч билан қарашини яққол намойён этди ва ҳаётиимизда чиққан ҳам тарихий бир воқеага айланди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сайловчиларимиз томонидан менга кўрсатилган юксак ишонч учун чин қалбимдан, юрагимдан самимий миннатдорчилик билдираман ва халқимга чуқур таъзим қиламан.

Мен учун сиз, азиизларга, бутун Ўзбекистон халқига умрбод садоқат билан хизмат қилишдан бошқа мақсад ҳам, ҳаёт ҳам йўқ, десам, кўнглимдаги, дилимдаги гапни айтган бўламан.

Қадрли дўстларим, биродарларим!

Гўзал диёримизга янги – 2008 йил кириб келишига санокли дамлар қолган мана шу унутилмас ва ҳаяжонли дақиқаларда ҳар қайси инсон ўз қалби-

нинг тўрида асраб келаётган энг эзгу истаклар рўйида чиқишини, ўзига, оиласи ва фарзандларига эсон-омонлик, элу юртига тинчлик, тўқинлик ато этишини, омад ёр бўлишини ният қилади.

Мен ҳам сиз, азииз ҳамюртларимнинг ана шундай олижаноб орзу-умидларига тилакдош бўлиб, уларнинг ижобат бўлишини Яратганимиздан сўрайман.

Келгуси йилда олиб бораётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва самарасини ошириш, республикамизга инвестициялар ва замонавий технологияларни олиб кириш ҳисобидан давлатимизнинг куч-қудрати ва иқтисодий қудратини янада юксалтириш, халқимизнинг фаровонлигини ошириш, унинг тинч ва осуда ҳаётини асраш, тараққиётимизнинг таянчи бўлмиш кичик бизнес, фермерлик ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун зарур имконият ва имтиёзлар яратиш, одамларнинг ўз меҳнати натижасидан кўпроқ баҳраманд бўлишини таъминлашга қаратилган вазибалар эътиборимиз марказида бўлади.

Шу борада меҳнатчиларимизнинг иш ҳақи миқдорини 2007-2009 йилларда камидан 2 баробар кўпайтириш бўйича белгилаб олган вазибаларимиз келиб чиққан ҳолда, янги йилда ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини босқичма-босқич ошириб бориш ҳам бизнинг устувор мақсадимизга кирилади.

Ўз олдимизга қўйган юксак марраларга етишда бизнинг ишончимиз ва суянчимиз бўлган жондан азииз фарзандларимизга янада кенгроқ йўл очиб бериш ҳар томонлама муҳим аҳамият касб этаётганини бугунги кунда барчамиз чуқур ҳис этмоқдамиз.

Айни шу мақсадларни амалга ошириш йўлида, яъни ёшларимизни ҳақиқатан ҳам бугунги ва эртанги ҳаётиимизнинг ҳал қилувчи кучига айлантириш, уларнинг жамиятимизда муносиб ва мустаҳкам ўрин олишига пойдевор яратиш учун янги – 2008 йилни Ёшлар йили деб эълон қилганимизни, бунинг аҳамияти ва моҳиятини, ўйлайманки, халқимиз, жамоатчилигимиз яхши англаб олмоқда.

Бир сўз билан айтганда, янги йилдаги барча мақсад ва режаларимиз халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш, юртимизни гўзал ва фаровон, ҳаётиимизни янада фойзу баракали этишга хизмат қилади, иншоолло.

Азииз ватандошларим, қадрдонларим! Барчангизни кириб келаётган Янги йил байрами билан яна бир бор самимий табриклайман.

Янги йил ҳар бир юртдошимизга соғлиқ-саломатлик, бахту саодат, ҳар бир оиллага яхшилик ва кутбарака олиб келсин.

Ватанимиз тинч, халқимиз ҳамisha омон бўлсин. Парвардигор эл-юртимизни ўз панохида сақласин. Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

Самарқанд шаҳридаги янги, замонавий концерт залида «Президент арчаси» байрам тантаналари бўлиб ўтди. Унга вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари ва «SOS» болалар маҳалласи тарбияланувчилари, халқимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида қурбон бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг фарзандлари тақдиф этилди. Янги йил байрамини ҳаммадан кўпроқ орзиқиб кутган болажонларга Президент совғалари топширилди.

Ўзбекистон Банклари ассоциациясида «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ушбу тадбир республика Президентининг жорий йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан уюштирилди.

Moody's Investors Service халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига «Ваз» тоифасидаги кредит рейтингини тақдир этди. Бу банк томонидан тараққиёт стратегиясининг тўғри танланганлигини, унинг ички ва ташқи бозорларда пешқадам мавқега эга эканлигини яна бир қарра тасдиқлади.

Тошкентда Ўзбекистон фонд бозорининг энг фаол иштирокчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда ўн та йўналиш бўйича голибларга дипломлар ва совринлар топширилди.

Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг 2007 йилдаги фаолият якунлари анжуман он-лайн режимида ўтказилди.

Янги йил арафасида Наманган аҳолисига турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, саноат истеъмол товарлари, қандолатчилик ва халқ хунарамандчилиги буюмлари тақдиф этилди. Байрам савдо ярмаркалари Наманган вилоятининг барча шаҳар ва туманларида ўтказилди. Савдо ярмаркаларидаги маҳсулотлар арзон нархларда сотилди.

Мамлакатимизда Куролли Кучлари тизимида йилнинг «Энг илғор мутахассиси» танловининг 2007 йил голиблари аниқланди. Танловнинг якуний босқичида ҳарбий қисм ва бўлинмаларда юқори натижага эришган Мудофаа, Ички ишлар вазирилари ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати қўшинлари вакиллари қатнашди.

ЖАҲОНДА

Россиянинг бош Корбобоси Халқаро космик станциянинг олтинчи экипажи билан Янги йил алоқа сеансини ўтказиб, фазогирларни 2008 йил билан табриклади. Таъкидлаш керакки, олтинчи экипаж космонавтлари Янги йилни Москва, Гринвич ва Хьюстон вақти билан уч бор нишонладилар.

Франция Президенти Никола Саркози Франция ва Сурия ўртасида дипломатик алоқаларнинг узилганлиги тўғрисида эълон қилди.

Кенияда ўтказилган Президент сайловларида голиб чиққан М.Кибакки кеча тантанали қасамд қилди. Кибаккининг сайланганидан норози бўлган мухолифат кучлари мамлакат пойтахти Найробида тўс-тўполонлар уюштиришди.

Кеча Москвада метронинг янги «Среденский бульвар» номли 174-станцияси очилди. Қизғин шундаки, 60 метр чуқурликда жойлашган ушбу станцияга бевосита тушадиган йўл ҳозирча бунёд этилмаган бўлиб, унга қўшни «Тургенев» станцияси орқали кириш мумкин.

Покистоннинг собиқ бош вазири Беназир Бхутто ўлимига доир янги тафсилотлар айтилмоқда. Хусусан, мамлакат ИИБ ахборотида кўра унга қарата отилган барча тўртта ўқ хато кетиб, Бхутто портлаш пайтида юзга келган ҳаво тўлкини натижасида ҳаётдан кўз юмган. Ҳозирча бу борада бирор-бир тўхтамага келингани йўқ.

Техронда Эроннинг Pars Oil and Gas Company ва Малайзиянинг SKS компаниялари «Гулшан» ва «Фирдавс» газ конларини биргаликда ўзлаштириш бўйича шартнома имзоладилар. Беш ярим йилга мўлжалланган мазкур лойиҳа баҳоси 6 миллиард долларни ташкил этади.

Испанияда Янги йил олдида 1 апрелда ўтказиладиган кулги байрамини ўхшаш соддалар кунни ўтказилди.

Судан ташқи ишлар вазирилик Чад Республикасини мамлакат ҳаво чегараларини бузганликда ва Дарфурни бомбардимон қилишда расман айблади.

Туркияда беш киши «Ал-Қоида» гуруҳи билан алоқадорликда айбланиб ҳибсга олинди.

Бельгиянинг Брюгге шаҳрида муздан ясалган ҳайкаллар ва биноларнинг еттинчи фестивали бўлиб ўтди.

Красноярскда пиротехника воситалари сақланаётган омборга ўт тушиши оқибатида икки киши ҳалок бўлди.

Непалда энг абжир фил халқаро танлови ўтказилди. Унда Таиланддан келтирилган фил голиб чиқди.

ТАХТНИНГ КУНИ

иклар, воқеалар

аска сатрларда

Авиасозлар маданият сармадондош», «Тенгдош» ва Хамза маданият уйлари ҳамкорлигида амалга оширилган «Узобай» фаолиятини бошлади.

1 йил муносабати билан Алиев номидаги Ўзбекистон Миллий келтирилган арча атрофида ҳар учун байрам тадбирлари ошланди.

сент шаҳар ҳокимлигининг хизмати ва ўз мухбирлари миз хабарларидан).

ДИПЛАР КУВОНЧГА ТЎЛДИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлод тарбияси, камолоти ва истиқболга алоҳида эътибор қаратилмоқда. ҲАР ЙИЛИ МАМЛАКАТИМИЗДА «ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» ТОМОШАЛАРИНИНГ ЎТКАЗИЛИШИ, КИЧКИНТОЙЛАРГА ЮРТБОШИМИЗ НОМИДАН СОВГАЛАР БЕРИЛИШИ АНА ШУ ҒАМХЎРЛИКНИНГ АМАЛДАГИ ЯНА БИР ЁРКИН ИФОДАСИДИР.

29 сентябрь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Президент арчаси» байрам шодиёналари бўлиб ўтди. Президент арчаси байрам шодиёналари бўлиб ўтди. Президент арчаси байрам шодиёналари бўлиб ўтди.

Ижтимоий ҳимоя йилида Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, Мурувват уйлари, муқимий-техника базаси янада мустаҳкамлашиб, уларни замонавий жиҳозлар, компьютер ва бошқа техника воситалари, адаб-ахлоқ билан таъминлаш, ин-



лизов таълимни янада ривожлантириш борасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилди. 2008 йил – Ёшлар йилида бу борадаги эзгу юмушлар салмоғи янада ортиши табиийдир.

— Якунланган йил Меҳрибонлик уйимиз тарбияланувчилари ва жамоаси учун ҳам унутилмас воқеаларга жуда бой бўлди, — дейди пойтахтимиздаги 30-Меҳрибонлик уйи директори Гулнора Хабирхонова. — Меҳрибонлик уйимиз капитал таъмирланди. Болаларнинг пухта ўқиши, мароқли дам олиши, ўз саломатлигини мустаҳкамлаш, истеъдоди-

ни намойён этиши борасидаги мавжуд шароит ва имкониятлар янада кенгайтиди. «Президент арчаси» шодиёналари юртимизнинг барча кичкинтойлари каби бизнинг ўғил-қизларга ҳам олам-олам қувонч бағишламоқда. Ёш авлод келажаги борасида кўрсатилган ана шундай юксак эътибор ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбари Ислом Каримовдан фоят миннатдоримиз.

...Саҳнада Корбобо ва Коркиз, ажойиб эртақлар қаҳрамонлари пайдо бўлади. «Меҳр ёғдуси» томошаси бошланади. Эстрада юдузлари, цирк устала-

ри, болалар бадий жамоалари иштирокидаги мусиқий дастурларни шодиёна иштирокчилари қувонч билан кутиб оладилар.

Болаларга Президент совғалари топширилди. Бундай шодиёналар юртимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларида давом этмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С.Иномова, Р.Қосимов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири
Муҳаммад Амин (ЎЗА)
олган суратлар.

Сессия кун тартибига кўра депутатлар томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожланишининг кутилаётган натижалари, «Иқтисодий ҳимоя йили» Давлат дастурининг бажарилиши, пойтахтнинг 2008 йил бюджети лойиҳаси муҳокама қилинди ҳамда келгусида барча жабҳаларда ислохотларни янада чуқурлаштириш юзасидан вазифалар кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқоҳор Тухтаев, ҳисобот йилида пойтахтнинг иқтисодий-иқтисодий соҳаларидаги натижалар устида тўхталиб ўтиб, мамлакатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ривожланишнинг устувор йўналишлари изчил татбиқ этилиши туфайли 2007 йил давомида макрокотисодий ва молиявий барқарорликка эришилганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Жумладан, таҳлиллар шунни кўрсатадики, иқтисодиётнинг барча тармоқларида ўсиш суръатлари таъминланди. Бу эса, ўз навбатида, кўзда тутилган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишига асос бўлиб хизмат қилди. Ҳўжалик субъектларининг молиявий аҳоли барқарорлашуви, айланма капиталнинг ўсишига эришилгани ҳам қабул қилинган тегишли мажмуавий дастурлар амалда ўз ифодасини топаётганидан далolat беради.

Ҳисобот йилида ялпи ички маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 12,5 фоизга кўп бўлиши кутилмоқда. Бунда санатда ишлаб чиқариш ҳажми — 21,4 фоиз, пудрат ишлари — 20,8 фоиз, чакана савдо айланмаси — 22,6 фоиз, пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми — 20,7 фоизга ортиги билан таъминланди. Ялпи ички маҳсулотда санатнинг улуши 15 фоизни ташкил этса, хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳиссаси 68 фоизга тенг бўлиши кўзда тутилган. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид янги меъёрларнинг амалиётга кенг татбиқ этилиши, жумладан текширишларнинг қисқартирилиши, рўйхатга олишнинг соддалаштирилиши, ҳисоботларнинг тартибга солиниши эвазига бизнес субъектлари сони жадал ўсишига, уларнинг иқтисодий кўрсаткичларида ўрни салмоқли бўлишига эришилмоқда.

Ҳусусан, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 51,6 фоизи кичик ва хусусий бизнес субъектларида тўғри келмоқда. Бу эса аввалги даврга нисбатан 5,3 фоизга ошганини кўрсатади. Шаҳар ташқи савдо айланмаси 126,5 фоиз бўлиши, бунда экспортнинг ҳажми 42,4 фоизга кўп бўлиши кутилмоқда.

Барча молиялаштириш манбалари ҳисобига шаҳар иқтисодиётига 870 миллиард сўм инвестиция жалб этилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2,6 фоизга кўпайгани, шубҳасиз, ўз самарасини берди. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ўзлаштирилган қўйилмалар тар-

кибида марказлаштирилмаган инвестициялар, яъни корхоналарнинг ҳамда молия тузилмаларининг маблағлари 87, фоизни ташкил этади. Ҳисобот йилида инвестицион дастурлар асосида 35 та янги корхоналар ва ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди, маблағ ҳисобида бу 85 миллиард сўмга тенгдир.

Ҳисобот йилида уй-жой—коммунал соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш масаласи ҳам алоҳида ўрин эгаллади. Бу борада бошқаруving янги тизимини жорий этиш, уй-жой мулкдорлари мақомини ошириш, ХУЖМШнинг молиявий жиҳатдан мустақиллигига эришиш ва ҳақиқий ўзини ўзи бошқариш институтларига айлантириш мақсадида амалга оширилган чоратadbирлар эвазига айниқса хизмат кўрсатиш ишларида самарадорликка эришилмоқда. Бугунги кунга келиб шаҳардаги тўққиз мингдан ортиқ кўп қаватли уйларга 2186 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат

ҳида ўрин тутди. Чунончи, «Бандлик» дастури доирасида 59.150 дан зиёд янги иш жойлари яратилди, шу жумладан уй шароитида 11.233 киши иш билан таъминланди. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бу борада кичик бизнеснинг улуши 68,6 фоизни ташкил этмоқда.

Дарҳақиқат, иқтисодий, яъни инсон манфаатларини белгилловчи масалалар давлат, ҳукумат ва маҳаллий ижроия органларининг доимий диққат-эътиборида бўлиб келган. 2007 йил бу борада ишлар давлат дастури даражасига кўтарилгани ва устувор вазифалардан бири сифатида изчил амалга оширилгани билан, аҳамиятли бўлиб қолди. Шаҳар ҳокими ўринбосари Бахтиёр Тохиров «Иқтисодий ҳимоя йили» Давлат дастури бажарилиши юзасидан ахборот берадиган, саховатпешалик тамойили ёрқин ифодасини топган ушбу йилда авваломбор аҳолининг иқтисодий ҳимояга муҳтож қатламга амалий эътибор кучайтирилганини қайд

қилди. 2008 йилда таълим соҳасини ривожлантиришга оид дастурлар кўламини кенгайтирилмоқда. Албатта, биринчи навбатда барча бўғинларда моддий-техник негизни мустаҳкамлашга эътибор қаратилади. Янги йўл йилига янги етти та касб-хўнар коллежи ва академик лицей, битта мактаб барпо этилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, уй-жой—коммунал хўжалигида ҳам ислохотлар давом эттирилади. 424 та кўп қаватли уйларни таъмирлаш, 40 километр иссиқлик тизимларини алмаштириш, 20 километр масофада эса — жорий таъмирлаш кўзда тутилмоқда.

Шаҳарда ободонлаштириш ишлари ҳам изчил давом эттирилади. Умуман олганда янги йилда иқтисодий ва иқтисодий соҳаларни ривожлантириш учун 1 триллион сўмдан зиёд инвестициялар жалб этиш белгиланган.

Сессияда ҳисобот йилида амалга оширилган ишлар ва 2008 йил вазифалари юзасидан шаҳар Кенгаши депутатлари Шўхрат Абдуқодиров, Жамолдин Бобохон, Азиз Тураев ҳамда Меҳнат ва аҳоли иқтисодий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Бадриддин Камоллов сўзга чиқди.

Билдирилган барча фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, сессия кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессияда Тошкент шаҳар Кенгашининг Коммунал хўжалиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг ҳисоботи ҳам тинланди, айрим ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

ПОЙТАХТДА УЧИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

кўрсатаётган бўлса, шундан 721 тасига биттадан кўп қаватли уй тўғри келмоқда. Коммунал хизматлар бозорига соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга йўналтирилган иқтисослаштирилган бошқарув компаниялари катори кенгайиб бормоқда. ХУЖМШ билан шартнома асосида 144 та хизмат кўрсатувчи компаниялар уй-жой хўжалиги тармоқларини таъмирлашда фаол қатнашмоқда.

Жорий йилда 1991 йилгача қурилган 424 та кўп қаватли уйнинг муҳандислик коммуникациялари капитал таъмирланди, 1 миллион 290 минг квадрат метр том қисми янгиланди, мавзе ва маҳаллалар ички ҳудудларида 703,8 квадрат метр асфальт ётқизилди.

Кенг қўламли бунёдкорлик ишлари давом эттирилди. Жумладан, Ҳазрати Имом мажмуаси буткул тикланди, замонавий кўчага эга бўлди. «Кўргантепа» маҳалласида иқтисодий мажмуа фойдаланишга топширилди. «Ўзэкспомарказ»да реконструкция ишлари олиб борилди, олти касб-хўнар коллежи ва бешта академик лицей қайта таъмирланди. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури доирасида жорий ўқув йилига унча янги мактаб фойдаланишга топширилди, 26 та мактаб капитал реконструкция қилинди ва тубдан таъмирдан чиқарилди.

2007 йилда аҳоли турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилган иқтисодий дастурларнинг ижроси ало-

атиб, бу борада амалга оширилган кенг қамровли ишлар хусусида батафсил шарҳ берди.

«Иқтисодий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида аҳолининг кам таъминланган қатлами, хусусан, боқувчисини йўқотган, кўп болали оилалар, кекса ва ногирон фуқаролар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун дастлаб ҳомийлар ва ижрочи субъектлар ҳисобидан 25,3 миллиард сўмлик маблағ кўзда тутилган бўлса, аслида бу йўналишда деярли икки ярим баравар кўпроқ маблағ сарфланди. Бу дегани муҳтожларни манзили қўллаб-қувватлаш бўйича белгиланган чоратadbирлар кўламини анча кенгайтирилди. Ҳусусан, қўшимча равишда Меҳрибонлик уйларида 130 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, 800 дан зиёд уруш ва меҳнат фахрийлари «Чинобод», «Турон», «Чортоқ», «Ботаника» оромгоҳларида саломатлигини тиклаб, ҳордиқ чиқарди. Шаҳардаги 15 та соғлиқни сақлаш муассасасининг моддий-техник негизини такомиллаштиришга 11,480 миллиард сўм ва 518 минг АҚШ долларига тенг маблағ йўналтирилди.

Шубҳасиз, аҳоли фаровонлигини янада ошириш, айниқса иқтисодий ҳимояга муҳтожларнинг турмуш шароитини яхшилаш масалалари 2008 йилда ҳам ўз ифодасини топади. Шаҳар Молия бош бошқармаси бошлиғи Мирсаид Мирмаҳмудов депутатларга 2008

ликда тадқиқ этиш икки мамлакат олимлари олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади, деб уйлайман.

Дехлида бўлиб ўтган учрашувлар натижаси ўларок, Ўзбекистон ва Хиндистон олимлари ҳамкорлигини янги bosқичга кўтариш юзасидан ўзаро келишувга эришилди.

Келгуси йил бошида Индира Ганди номидаги Хиндистон миллий санъат марказида Ўзбекистон Республикасига бағишланган кўргазманинг ташкил этилиши бу борадаги амалий тадбирларнинг дебосчаси бўлади.

Садриддин СУЯРОВ, «Жаҳон» АА муҳбири Дехли

ликда тадқиқ этиш икки мамлакат олимлари олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади, деб уйлайман.

Дехлида бўлиб ўтган учрашувлар натижаси ўларок, Ўзбекистон ва Хиндистон олимлари ҳамкорлигини янги bosқичга кўтариш юзасидан ўзаро келишувга эришилди.

Келгуси йил бошида Индира Ганди номидаги Хиндистон миллий санъат марказида Ўзбекистон Республикасига бағишланган кўргазманинг ташкил этилиши бу борадаги амалий тадбирларнинг дебосчаси бўлади.

Садриддин СУЯРОВ, «Жаҳон» АА муҳбири Дехли

ДЕХЛИДА ХАЛҚАРО МАДАНИЙ АНЖУМАН

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАН ҲАЗИРГИ ШАРОИТДА МАДАНИЙ МЕРОСНИ КЎЗ ҚОРАЧИГИДАЙ АВАЙЛАБ-АСРАШ, УНИ КЕЛАЖАК АВЛОДЛАРГА ЭҚАЗИЕ БЕРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИЛМОҚДА. ДЕХЛИДА БЎЛИБ ЎТГАН МИЛЛИЙ ЖАМҒАРМАЛАРНИНГ XII ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ АЙНАН АНА ШУ МАВЗУ ЮЗАСИДАН ҚИЗГИН БАҲС-МУНОЗАРАЛАР ОЛИБ БОРДИЛАР.

Ушбу тадбирда Ўзбекистон маданий ва илмий доиралари делегацияси ҳам иштирок этди. Анжуман қатнашчилари эътиборига маданий-маънавий меросни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Конференция доирасида Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Камолитдин Бех-

зод номидаги миллий расомчилик ва дизайн институти вакилларининг Хиндистон миллий санъат маркази раҳбарияти билан бўлиб ўтган учрашуви чоғида икки томонлама ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

Жумладан, томонлар миллий хўнарамандчилик, зардўзлик ва халқ амалий санъатининг бошқа асарлари кўргазмаларини ташкил этиш, илмий ҳамкорликни йўлга

қўйиш, олим ва тадқиқотчилар ўртасида қўшма лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун қўлай имкониятлар мавжудлигини қайд этишди.

Хиндистон миллий музейида бўлиб ўтган мулоқот чоғида икки мамлакат олимлари илмий соҳадаги ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлигига алоҳида диққат қаратишди.

— Ўзбек халқининг бой маданий-маънавий мероси тур-

ли мамлакатлар, жумладан Хиндистон тадқиқотчиларида ҳаммиша катта қизиқиш уйғотиб келган, — дейди Хиндистон Миллий музейининг бўлим бошлиғи Насим Ахтар. — Бизнинг музейимизда Самарқанд, Бухоро, Андижон ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарлари билан боғлиқ қатор экспонатлар шунингдек, ўрта асрларда яшаб ўтган ўзбек олимларининг қўлёзма асарлари мавжуд. Уларни бирга-

ликда тадқиқ этиш икки мамлакат олимлари олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади, деб уйлайман.

Дехлида бўлиб ўтган учрашувлар натижаси ўларок, Ўзбекистон ва Хиндистон олимлари ҳамкорлигини янги bosқичга кўтариш юзасидан ўзаро келишувга эришилди.

Келгуси йил бошида Индира Ганди номидаги Хиндистон миллий санъат марказида Ўзбекистон Республикасига бағишланган кўргазманинг ташкил этилиши бу борадаги амалий тадбирларнинг дебосчаси бўлади.

Садриддин СУЯРОВ, «Жаҳон» АА муҳбири Дехли

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

ХАБАР БЕРИЛГАНИДЕК, 28 ДЕКАБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ РАИСИ МИРЗОУЛУБЕК АБДУСАЛОМОВ БОШҚАРГАН УШБУ МАЖЛИС КҮН ТАРТИБИДА БИТТА МАСАЛА — 2007 ЙИЛ 23 ДЕКАБРДА ЎТКАЗИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ЯҚУНЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этаётган мамлакатимиз келажаги учун тарихий аҳамиятга эга муҳим сиёсий воқеа бўлгани таъкидланди. Сайлов жараёнида фуқароларимизнинг ҳуқуқий ва сиёсий етулиғи, уларнинг сайловда фаол иштирок этиш орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ҳамда иқтисодий-иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаши яққол намоён бўлди.

Сайлов миллий сайлов қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг қайта қилиниши ва сиёсий ҳимояси тўғрисида»ги қонунда белгиланган демократик, ошкоралик ва очиқлик тамойиллари асосида, умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди. Бу эса Ўзбекистон сайлов тизимининг умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий стандартларга, демократик ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасига тўла мос келишини яна бир қарра тасдиқлади.

Сайлов кампанияси муқобиллик ва соғлом рақобат асосида ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида мамлакатимиз сиёсий ҳаётида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётган сиёсий партияларнинг номзодлари билан биргаликда илк бор сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзод ҳам иштирок этди.

Ушбу муҳим сиёсий тадбирда Президентликка ўз номзодини кўрсатган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳидан 23 минг нафардан ортиқ кузатувчининг иштирок этгани сайлов жараёнида номзодларга тенг шароит яратиш, адолатлилик, қонунийлик, ошкоралик тамойилларини қатъий амалга оширишга кўмаклашди. Президент сайлови мониторингида 30 дан ортиқ хорижий мамлакатдан ташриф буюрган, МДХ, ЕХХТ, ШХТ, ЕврАзЭС, ИКТ каби нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари бўлган қарийб 300 нафар халқаро кузатувчилар қатнашди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини 300 нафарга яқин мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари журналистлари кенг ёритиб боришди.

Сайлов Ўзбекистонда истиқлол йилларида амалга ошириб келинаётган, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик, тараққиёт ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган чуқур социал-иқтисодий, иқтисодий-сиёсий ислохотлар, демократик янгиланиш, модернизация қилиш жараёнининг давом эттириш борасида жамиятимизнинг барча куч ва қатламларини янада жиқлаштиришнинг муҳим омилга айланди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан келган протоколларга асосланган ҳолда, жорий йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтган сайловда рўйхатга олинган 16 миллион 297 минг 400 нафар сайловчидан 14 миллион 765 минг 444 нафари овоз беришда иштирок этганини аниқлади. Бу рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг 90,6 фоизини ташкил этади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясида кўрсатилган номзод Ислам Абдуганиевич Каримовга 13 миллион 8 минг 357 нафар сайловчи ёки сайловда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 88,1 фоизи овоз берди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясида кўрсатилган номзод Аслиддин Ашурбоевич Рустамовга 468 минг 64 нафар сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 3,17 фоизи, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан кўрсатилган номзод Акмал Холматович Саидовга 420 минг 815 нафар сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 2,85 фоизи, Ўзбекистон «Адолат» Социал-демократик партиясида кўрсатилган номзод Дилором Ғофуржоновна Тошмухамедовага 434 минг 111 нафар сайловчи ёки овоз беришда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 2,94 фоизи овоз берди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 14, 35-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ислам Абдуганиевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайлади, деб ҳисоблаш ҳақида қарор қабул қилди.

(ЎЗА)



«ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЎШМАСИ ЖАМОАСИ
ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИНИ

ЯНГИ — 2008 ЁШЛАР ЙИЛИ БИЛАН

шаҳримизнинг барча транспортчилари номидан дилдаги энг эзу тилакларни изҳор этган ҳолда қутлайди.

Ҳамиша соғ-саломат бўлинг, ишларингиз ўнгидан келсин, ўйлаган барча ниятларингиз 2008 йилда рўёбга чиқсин.

Йўлингиз раvon, турмушингиз фаровон бўлсин.



ҚАДРЛИ МАҲАЛЛАДОШЛАР, ПОЙТАХТИМИЗ
МЕҲМОНЛАРИ, ПИРУ-БАДАВЛАТ ОПАХОНУ
ОНАХОНЛАР ВА АЗИЗ ЁШЛАР!

**СИЗЛАРНИ ЯНГИ —
2008 ЙИЛ БИЛАН
МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ.**

Юртимизда доимо тинчлик-тотувлик,
баҳамжиҳатлик ҳукм сурсин.

Омборларимиз донга, кўнгилларимиз
ҳамиша қувончу шодликка тўлиқ бўлсин.

Янги йил ҳар бир оилага тўқис бахт,
фаровонлик, омад ва зафарлар олиб
келсин, табаррук кексаларимизнинг
дуолари ижобат бўлсин.

**ЎЗБЕКИСТОН «МАҲАЛЛА» ЖАМФАРМАСИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРУВИ**



ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ
МЕҲМОНЛАРИ!

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ**

Сиз азишларни барчамизнинг
қалбимизни чексиз қувончу
эзгу ниятларга тўлдирган
ҳолда кириб келган янги 2008
йил билан чин дилдан
муборакбод этади. Янги йил
барчага соғлик-омонлик, бахт
ва омад келтирсин.

Хонадонларингиз обод ва
файзу баракотли бўлсин.
Ёшлар йили деб ном олган
йилимиз ўғил-қизларимиз
учун айниқса улкан
зафарларга бой йил бўлсин.



КУСН-БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА



**АЗИЗ ЮРТДОШЛАР
ВА ПОЙТАХТИМИЗ
МЕҲМОНЛАРИ!**

Янги йил айёми барчамизга
муборак бўлсин.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ,
тинчлик-хотиржамлик ва олам-
олам қувонч ҳамиша ҳамроҳ
бўлишини тилаймиз.

Янги йилда барча эзгу
нийатларингиз ижобат бўлсин.

Тошкент шаҳар

«ДОРИ-ДАРМОН»

**Давлат очик акциядорлик
бирлашмаси жамоаси**



«НЕРУДНИК»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАРИМИЗ
ВА АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИ

қалбларимизга олам-олам шодлик

бахт этиб кириб келган

**ЯНГИ — 2008 ЙИЛ БАЙРАМИ
БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ.**

2008 йил барчангизга зафарли,
ютуқларга бой йил бўлсин.

Ҳамиша ишларингиз бароридан келиб, эзгу
мақсадларингиз амалга ошсин.



2008 — Ёшлар йили

Январь

Д	7 14 21 28
С	1 8 15 22 29
Ч	2 9 16 23 30
П	3 10 17 24 31
Ж	4 11 18 25
Ш	5 12 19 26
Я	6 13 20 27

Февраль

Д	4 11 18 25
С	5 12 19 26
Ч	6 13 20 27
П	7 14 21 28
Ж	1 8 15 22 29
Ш	2 9 16 23
Я	3 10 17 24

Март

Д	3 10 17 24 31
С	4 11 18 25
Ч	5 12 19 26
П	6 13 20 27
Ж	7 14 21 28
Ш	1 8 15 22 29
Я	2 9 16 23 30

Апрель

Д	7 14 21 28
С	1 8 15 22 29
Ч	2 9 16 23 30
П	3 10 17 24
Ж	4 11 18 25
Ш	5 12 19 26
Я	6 13 20 27

Май

Д	5 12 19 26
С	6 13 20 27
Ч	7 14 21 28
П	1 8 15 22 29
Ж	2 9 16 23 30
Ш	3 10 17 24 31
Я	4 11 18 25

Июнь

Д	2 9 16 23 30
С	3 10 17 24
Ч	4 11 18 25
П	5 12 19 26
Ж	6 13 20 27
Ш	7 14 21 28
Я	1 8 15 22 29

Июль

Д	7 14 21 28
С	1 8 15 22 29
Ч	2 9 16 23 30
П	3 10 17 24 31
Ж	4 11 18 25
Ш	5 12 19 26
Я	6 13 20 27

Август

Д	4 11 18 25
С	5 12 19 26
Ч	6 13 20 27
П	7 14 21 28
Ж	1 8 15 22 29
Ш	2 9 16 23 30
Я	3 10 17 24 31

Сентябрь

Д	1 8 15 22 29
С	2 9 16 23 30
Ч	3 10 17 24
П	4 11 18 25
Ж	5 12 19 26
Ш	6 13 20 27
Я	7 14 21 28

Октябрь

Д	6 13 20 27
С	7 14 21 28
Ч	1 8 15 22 29
П	2 9 16 23 30
Ж	3 10 17 24 31
Ш	4 11 18 25
Я	5 12 19 26

Ноябрь

Д	3 10 17 24
С	4 11 18 25
Ч	5 12 19 26
П	6 13 20 27
Ж	7 14 21 28
Ш	1 8 15 22 29
Я	2 9 16 23 30

Декабрь

Д	1 8 15 22 29
С	2 9 16 23 30
Ч	3 10 17 24 31
П	4 11 18 25
Ж	5 12 19 26
Ш	6 13 20 27
Я	7 14 21 28



БАЙРАМ КУНЛАРИ
 1 январь — Янги йил
 8 март — Хотин-қизлар байрами
 21 март — Наврӯз байрами
 9 май — Хотира ва Қадраш куни
 1 сентябрь — Мустақиллик байрами
 1 октябрь — Ўқитувчилар ва Мураббийлар куни
 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни
 Рўза ҳайитининг биринчи куни
 Қурбон ҳайитининг биринчи куни

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ АСОСИЙ МАЪЛУМОТ ХИЗМАТЛАРИ

- Ёнги хавфсизлиги хизмати — 01
- Милиция — 02
- Тез ёрдам — 03
- "Тошгаз" авария хизмати — 04
- Кутқарув хизмати — 050
- Темир йўл бошқармасининг маълумотномаси — 005
- "Тошшаҳарйўловчитранс" такси буортмаси — 062
- Дорихоналар бўйича марказий маълумотнома — 069
- Шаҳарлараро сўзлашувлар учун буортмалар — 07
- Ташкилотларнинг телефонлари ва об-хаво маълумотномаси — 09
- Шаҳарлараро телефон тармоғи маълумотномаси — 007
- Хонадонларнинг маълумотномаси — 009
- Халқаро сўзлашувлар буортмаси — 061
- Шаҳар телефон тармоғи иши бўйича кечаю кундуз маълумотномаси — 064
- "Кора лапа" маросимлар хизмати — 235-81-75, 234-34-01
- "Тошкент" автовокзали — 279-39-29 (15)

ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ХИЗМАТИ

- Тўғри ўтказгичларни таъмирлаш хизмати — 068
- Марказий алоқа тармоғи — 083 — 235-04-25 — 235-09-10
- Собир Раҳимов алоқа тармоғи — 084 — 229-04-25 — 229-09-10
- Миробод алоқа тармоғи — 085 — 255-04-25

- 255-09-10
- Мирзо Улугбек алоқа тармоғи — 086, 262-04-25, 262-09-10
- Чилонзор алоқа тармоғи — 087 — 277-04-25 — 277-09-10
- Янгиобод алоқа тармоғи — 089 — 297-04-25 — 297-09-10

МАРКАЗИЙ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

- Ичимлик суви тармоқлари — 133-15-95, 133-75-95
- Шаҳар оқова сув тармоқлари — 235-40-11, 235-43-79
- Шаҳар электр тармоқлари — 133-77-53
- Иссиқлик тармоқлари — 133-32-32

«ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ ТУМАН ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

- Марказий авария-диспетчерлик хизмати — 255-44-27
- Учтепа — 274-44-34
- Бектемир — 295-14-43
- Миробод — 254-15-61 (62)
- Мирзо Улугбек — 267-46-24
- Собир Раҳимов — 248-35-48
- Сергели — 258-84-33
- Ҳамза — 296-39-61
- Чилонзор — 277-06-22

КҮНФИРОҚ ҚИЛИНГ, СҮРАНГ, БИДИБ ОЛИНГ

- Шайхонтоҳур — 242-39-26
- Юнусобод — 112-25-52
- Яққасарой — 255-49-59

ТУМАН ҲОКИМЛИКЛАРИ ҚАБУЛХОНАЛАРИ

- Учтепа — 274-03-38, 274-19-23
- Бектемир — 295-02-46
- Миробод — 133-29-86
- Мирзо Улугбек — 268-94-04
- Собир Раҳимов — 227-11-03
- Сергели — 115-41-11
- Ҳамза — 133-33-72
- Чилонзор — 276-90-90
- Шайхонтоҳур — 242-26-00
- Юнусобод — 234-62-31
- Яққасарой — 255-74-49

ТУМАН ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМЛАРИ

- Учтепа — 272-98-39
- Бектемир — 295-02-39
- Миробод — 291-58-02
- Мирзо Улугбек — 267-33-50
- Собир Раҳимов — 246-09-90
- Сергели — 258-02-42
- Ҳамза — 296-06-30
- Чилонзор — 273-20-40
- Шайхонтоҳур — 144-67-01
- Юнусобод — 235-00-02
- Яққасарой — 255-94-96
- Шаҳар ИИБнинг ишонч телефонлари — 153-85-85

ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ТУМАН ХИЗМАТЛАРИ

- "03" бўйича навбатчилар — 136-73-60 (32)
- Собир Раҳимов 2-болалар — 248-37-29
- Шайхонтоҳур 3-катталар — 143-26-68
- Учтепа 4-катталар — 143-07-34
- Мирзо Улугбек 5-катталар — 266-44-27
- Юнусобод 6-болалар ва катталар — 112-43-62, 112-45-11
- Яққасарой 10-катталар — 255-85-54
- Сергели 8-болалар ва катталар — 258-96-27
- Чилонзор 9-катталар — 116-73-88 (89)
- Миробод-Ҳамза 7-катталар — 290-70-03 (01)
- Ҳамза-Миробод 3-болалар — 297-77-79
- Бектемир 16-катталар — 295-10-03

ИЖТИМОИЙ-ТАЪМИНОТ БЎЛИМЛАРИ

- Шаҳар бош бошқармаси — 136-00-25
- Учтепа — 272-36-72
- Бектемир — 295-06-23
- Миробод — 153-55-96
- Мирзо Улугбек — 169-14-60
- Сергели — 258-39-35
- Собир Раҳимов — 248-46-71
- Ҳамза — 297-58-17
- Чилонзор — 277-87-10
- Шайхонтоҳур — 149-16-59
- Юнусобод — 235-52-04
- Яққасарой — 250-85-31

МЕҲМОНХОНАЛАР

- "Интерконтиненталь" — Ташкент — 120-70-00
- "Марказий" — 138-30-00
- "Ўзбекистон" — 120-77-77



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Буортма Г-70

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3960 нухсада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масаллари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент
почтамти»га — 133-74-05 телефонига муурожаат
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.